



2013 — бизнинг умумий бойлигимиз




зангори оловни тежаб сарфлангиз



Газ плитасини ёки газ билан ишлайдиган сув иситгични қўяр экансиз, газ асбоблари олдидаги ёки бевосита асбоблардаги барча кранлар берклигини текшириб кўринг, ана шундан кейингина газ асбобларини қўйишга киришинг.


Газ асбобларидан фойдаланаётганда дераза дарчалари ёки фрамуга (пиромон)лари очик туриши керак. Вентиляция каналларини решетка билан тўсиш қатъиян ман қилинади.



ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ БЎЛГАНДАН КЕЙИН АСБОБЛАРДАГИ, СУНГРА ЭСА ГАЗ ҚУВУРИ ЕКИ БАЛЛОН ВЕНТИЛИДАГИ БАРЧА КРАНЛАРНИ БЕРКИТИНГ.

Об-ҳаво паст келган кунларда, айниқса эҳтиёт бўлинг! Кучли шамол мўрконларда тутун тўсилиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда газ ёнишидан ҳосил бўлган зарарли қиқинди бино ичида қолиши мумкин.

Мўркон тутунни тортмаса ёки тортиш кучсиз бўлса газ асбобларидан фойдаланмаслик керак: газ ҳидидан заҳарланиб бўғилиб қолиш мумкин. Бу камчиликларни бартараф этиш учун дарҳол ЖЭУ, ЖЭК, ДПОларга мурожаат қилинг.



Газ билан ишлайдиган сув иситгични қўйишдан олдин ва у ишлаб турган пайтда мўрконда тортиш кучи бор-йўқлигини кузатиб туриш зарур. Бунинг учун сув иситгичнинг қалпоқчаси тагига ёниб турган гугурт чўпи яқин келтирилади. Агар аланга мўркон ичига тортилмасдан орқага қайтса тортиш кучи йўқлигини билдиради. Демак, бу ҳолда сув иситгичдан фойдаланиш асло мумкин эмас.

Агар аланга мўркон ичига томон урилса, демак тортиш кучи нормал ҳолатда бўлиб, колонкадан бемалол фойдаланиш мумкин.

МЎРКОН ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ КАНАЛЛАРИНИ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ:

— оқар сув билан ишлайдиган сув иситгичлар ва ресторан плиталарининг ёниш мўрконлари **ҲАР КВАРТАЛДА БИР МАРТА**;

— асбоцементли ва кулоллик трубаларидан тайёрланган иситгичларнинг мўрконлари;

— иситиш ва иситиш-қайнатиш печлари, АГВ—80, АГВ—120 сифмили сув иситгичлар, ВНИИСТО, АОГВ—15, АОГВ—11, 6, АКГВ—20 қозонларининг мўрконлари **ЙИЛДА БИР МАРТА** текширувдан ўтказилади.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

Халқ депутатлари маҳаллий Советларига қарашли уй-жой биноларида газ асбобларининг бутунлиги ва ишга шайлиги учун уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари (ЖЭК, ЖЭУ ва бошқалар), идораларга қарашли уй-жой биноларида —комендантлар, хусусий уйларда эса бу уйларнинг эгалари масъул дилар.


Уйлар ва квартиралардаги ишлаб турган рўзгор газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш ва уларнинг зарур ҳолатдагина ишлатилиши учун уй эгалари жавоб берадилар.

Мўрконлар ва вентиляция каналларининг ҳолати, уларнинг ўз вақтида текширувдан ўтказилганлиги ва бу ҳақдаги актларнинг тақдим этилиши юзасидан жавобгарлик эса биноларнинг эгалари зиммасига юклатилади.

Қўйидагилар ман қилинади:

— газ плитаси, оқар сувли ва сифмили сув иситгичлар ўрнатилган хонада ухлаш;

— носоз газ асбобларидан фойдаланиш;




— газ асбобларини ўзбошимчалик билан тузатиш;

— газ плиталаридан хоналарни иситиш мақсадида фойдаланиш (бу газ ҳидидан бўғилиб заҳарланишга олиб келиши мумкин);

— кийимларни қуритиш учун газ қувурига арқон тортиш.

КИЧИК ЕШДАГИ БОЛАЛАР, ШУНИНГДЕК ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОЙДАЛАРИ ЮЗАСИДАН ИНСТРУКТАЖДАН ЎТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!



Газ тўлиқ ёнмаганда углеводород оксиди — ис гази ҳосил бўлади. Бу газ инсон организмига тушганда, оғир заҳарланишни келтириб чиқариши мумкин.



Газ тўлиқ ёнса аланга зангори тусда бўлади. Аланганинг сариқ ёки қизғиш сариқ тусда бўлиши газнинг тўлиқ ёнмаётганлигини, демакки, ёнишни созлаш кераклигини билдиради.



Газ асбобларининг ёниб турган горелкаларини қаровсиз қолдирманг!

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!


Планировка қилиш ва ер қазिश ишлари, қудуқларни бургулаш ва иморатлар қуриш ишларини бажаришда мазкур

ишлар олиб бориладиган жойга газ ҳўжалиги вакилларини чақириб олдиндан улар билан келишиб олиш зарур.

Ер ости газ қувурининг бевосита яқинида ер қазिश ишлари пайтида АЙНИҚСА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ишларни фақат қўлда бажаринг. Зарбли ва ер қазिश механизмларини қўлланиш **МАН ҚИЛИНАДИ!**

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН: ер ости газ қувурининг шикастланиши газ таъминотининг бузилишига олиб келади, авария ва бахтсиз ҳодиса содир бўлиш хавфини тугдиради.



Ер қазिश ишлари олиб борилаётган жойда ёки квартирада, ертўлаларда, подвездларда, коммуналкада иншоотлари ёнида **ГАЗ ҲИДИ** чиқаётганлигини сезиб қолсангиз, ДАРҲОЛ «Горгаз» ёки «Райгаз»нинг авария хизматини 04 телефони орқали чақиринг. Авария хизмати етиб келгунча газ тарқалган зонага бегона шахсларни яқин йўлатманг, оловдан фойдаланманг, электр асбобларини қўйманг ва ўчирманг.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОРХОНАЛАР ВА УЙ-ЖОЙ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ, УИ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИНИНГ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ!

Электрохимиявий коррозия таъсирида, ер қазिश ишларини олиб бориш қоидалари бузилиши туфайли ер ости газ қувурлари шикаст топиши мумкин. Натижада газ силқиқ чиқа бошлайди. Бунга эса ўз вақтида аниқлаш мумкин бўлмай қолади.

Шикастланган газ қувурларидан чиқаётган газ водопровод, канализация траншеялари,

иссиқлик трассаси каналлари ва бошқа коммуналкалар бўйлаб тарқалиши ҳамда уй-жой ва ишлаб чиқариш бинолари ичида тўпланиб портлаш хавфини келтириб чиқарувчи аралашма ҳосил қилиши мумкин.

Квартал, уй, маҳалла комитетларига, ЖЭУ, ЖЭКларга, барча истиқомат қилувчиларга подвалларни тазалаб, уларга коммуналкадаги кириш жойларидан тешик-ёриқларни текшириб, беркитиб қўйишни таълиф қиламиз.

Подвалларнинг ҳолати устидан қатъий назорат ўрнатиш, шунингдек подвалларда газ тўпланганлигини профилактик текширувдан ўтказиш мақсадида газ ҳўжалиги ходимларининг бу ерга эрикин кириб чиқишларини таъминлаш зарур.

Подвалда бўлар экансиз, газ ҳиди чиқаётганлигини салгина сезсангиз ҳам 04 телефони бўйича «Горгаз» ёки «Райгаз»нинг авария хизматини чақиринг.

Газ тарқалган зонада аланга, учқун пайдо бўлишининг олдини олиш учун подвалга кириладиган жойда бинони шабадалатиб, навбатчилигини таъминланг.

ИССИҚЛИК САРФИНИ КАМАЙТИРИНГ!

«Союзгазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси ва унинг областлардаги газлаштириш ва газ таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналарнинг раҳбарлари, газ ҳўжалиги учун масъул шахслар, ЖЭУ, ЖЭК ва идораларнинг ходимлари, барча аҳолини газни тежаб сарфлаш учун қўриқлаш фаол иштирок этишга, коллективлар ўртасида газдан ўринли ва тежамкорлик билан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб боришга, зангори оловни тежаб сарфлаш бўйича деҳлар ва бошқа хизматларнинг эришган ютуқларини тўғрисида билдиреъ ва бошқа кўргазмаларни таъминлашга, уй-жойларни иситиш, трассалар ва буг қувурларининг шикастланган жойларини текшириш ва изоляциялаш юзасидан иш олиб боришга, ҳарорат графикага риоя қилинишини кузатиб боришга

Даъват этади

Ташкилотларнинг раҳбарлари, турар жой фонди эгалари (ЖЭК, ЖЭУ), квартиралар эгалари, хусусий уй эгалари иситиш мавсуми бошлангунча қадар қишга тайёргарлик кўришлари, яъни эшик ва дераза ромлари, шифтларни иситиш, яқин исимаётган жойларда икки қават ойна ўрнатиш, иссиқлик ўтказувчи трубаларни, кенгайтириш бачокларини изоляциялашлари зарур.

Бино ичидаги ҳаво ҳарорати СНиПга мувофиқ 18 °C дан ошмаслигини керак.

Корхоналар ҳар эҳтимолга қарши ёнишга заҳарли қилишлари, зарурат турилганда эса қозонхона агрегатларини дарҳол ундан фойдаланишга ўтишни таъминлашлари даркор.

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН: газдан омилкорлик билан тежаб фойдаланиш —шаҳарларимизнинг газ билан нормал таъминланиши гаровидир.

Газдан ўринсиз фойдаланишга йўл қўйманг!

Сизнинг тежаганингиз — мамлакат тежагани!

Табий газ —технологик жараёнларни жадаллаштиришнинг ва меҳнат маҳсулдорлигини оширишнинг янги имкониятларини очиб берувчи қимматли хом ашё бўлиб, қўлай, самарали ёнилгидир. Айни пайтда табиатда газ запаси жуда ҳам чексиз эмас, шунинг учун ҳам биз газдан мумкин қадар тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш тўғрисида ҳамisha қайғуришимиз лозим.

Таом тайёрлаш, уй-жойларни иситиш мақсадида газни тежаб-тергаб сарфлар экансиз, шу билан сиз ёнишга —энергетика ресурсларини тежаб ишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

БИЛИНГКИ, сиз тежаб қолган 1 куб метр газ 8,6 кг. нон-булка маҳсулотлари, 700 грамм полиэтилен тайёрлаш учун етади.


Сиз кунига атиги бир соат давомида иситиш печингизни ўчириб қўйсангиз, бир кубометр газ иқтисод қилган бўласиз. Бу сизнинг оилангиз хавфсизлиги учун ҳам зарур.

Таом тайёрланган плитадан тўғри фойдаланиш ҳам газ сарфини анча камайтиради. Бунинг учун:

— устига идиш қўйилмаган газ горелкаларининг узоқ муддат ёниб туришига йўл қўйманг, таом пишган заҳоти газ горелкасини ўчириш;

— газ асбобларини санитария ҳолатида сақланг. Газнинг тўлиқ ёнишини кузатиб туриш, бунда аланганинг албатта зангори тусда бўлишига (шунда ис чиқмаётган бўлади) эришинг;

— керагидан ортиқча сув иситманг ва қайнатманг;



— Иложи борича кичикроқ ҳажмдаги идишдан фойдаланиш, таом тайёрлаш вақтида эса идиш қопқоғини ёпиб қўйинг —фақат шунинг ўзигина 10—15 процент газ тежаш имконини беради;

— таом қайнаб чиққач, газни милтилатиб қўйинг, бу билан сиз газни тежабгина қолмай, балки бахтсиз ҳодиса содир бўлишининг ҳам олдини олган бўласиз;

— таом тайёрланган газ плиталаридан ҳаво совуқ кунларда хонани иситиш мақсадида фойдаланманг —бу ўринсиз иш бўлиб, газдан чиққан исдан заҳарланиш ҳам мумкин.

Оқар сув билан ишлайдиган сув иситгичларни қалдан ортиқ қиздириб юборманг, газни тежаш ва газ асбобларининг ишлаш муддатини узайтириш мақсадида запальникларни ёниб турган ҳолда қолдирманг.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ

Рўзгорда газдан фойдаланиш қоидаларини бузишда айбдор бўлган граждандар ва масъул лавозимдаги кишилар, ўз хатти-ҳаракатлари авария ва бахтсиз ҳодисага сабабчи бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъий назар бунинг учун жавоб берадилар.

Қондабузарлик қилганликлари ва унинг қандай оқибатга олиб келганлигига қараб масъул лавозимдаги шахслар ва граждандар жавобгарликка тортилдилар.

ШУНИ ЭСДА ТУТИНГ: ГАЗДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИШ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЎЗЛУКСИЗ ВА ИШОНЧЛИ БЎЛИШИГА ЕРДАМ БЕРАДИ.

